# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

2022 ЙИЛ — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● WWW.XS.UZ ● E-mail: Info@xs.uz ● 2022 йил 19 ноябрь, № 249 (8311) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ТАШҚИ ИШЛАР ВА ХАВФСИЗЛИК СИЁСАТИ БЎЙИЧА ОЛИЙ ВАКИЛИ БИЛАН УЧРАШДИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 18 ноябрь куни Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Европа комиссияси вице-президенти Жозеп Боррелни қабул қилди.**





Пандемиядан кейинги даврда жадал иқтисодий тикланиш ва минтақалараро ўзаро боғлиқликни ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон билан ЕИ ўртасидаги шерикликни янада чуқурлаштириш масалалари муҳокама қилинди.

17-18 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтган “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” форматидаги вазирлар учрашуви ҳамда “Барқарор ривожланиш учун глобал дарвоза” мавзуидаги ўзаро боғлиқлик бўйича халқаро конференциясининг сермаҳсул якунлари юксак баҳоланди. Давлатимиз раҳбари Европа дипломатияси раҳбарига ушбу муҳим тадбирларни қўллаб-қувватлагани ва уларда шахсан иштирок этгани учун миннатдорлик билдирди.

Жозеп Боррель, ўз навбатида, Ўзбекистоннинг минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги сиёсатини олқишлади ҳамда Марказий Осиё мамлакатлари бу борада катта муваффақиятларга эришганини таъкидлади. Евроиттифоқ бундан буён ҳам минтақа давлатлари билан сиёсат, савдо, инвестиция, рақамлаштириш, иқлим ўзгариши ва атроф-муҳит, фан ва таълим соҳаларидаги ҳамкорликни кенгайтириш ниятида.

Минтақавий ва халқаро хавфсизликнинг долзарб муаммолари муҳокама қилинар экан, Марказий Осиёдаги минтақавий ҳамкорликка, шу жумладан, Афғонистондаги вазиятнинг ривожига алоҳида эътибор қаратилди.

Самарқанддаги конференция якунлари бўйича қўшма “Йўл харитаси”ни ишлаб чиқиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасида кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни тез фурсатда имзолашга келишиб олинди.

**ЎзА.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати суратлари.

## «ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЎЗАРО БОҒЛИҚЛИГИ: БАРҚАРОР РИВОЖЛАНИШ УЧУН ГЛОБАЛ ДАРВОЗА» МАВЗУИДАГИ БИРИНЧИ ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Ҳурматли делегациялар раҳбарлари!**

**Ҳурматли конференция иштирокчилари!**

**Хонимлар ва жаноблар!**

“Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўзаро боғлиқлиги: барқарор ривожланиш учун глобал дарвоза” мавзуидаги биринчи конференциянинг барча иштирокчиларини чин қалбимдан қутлайман.

Тадбирда бевосита иштирок этаётган Европа Иттифоқининг ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили Жозеп Боррель жанобларига, Марказий Осиё мамлакатлари ташқи ишлар вазирлари, нуфузли халқаро ташкилотлар, хусусан, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Европа инвестиция банки раҳбарларига ўзимнинг алоҳида ташаккуримни изҳор этишдан мамнунман.

Яқинда илк бор бўлиб ўтган Марказий Осиё — Европа Иттифоқи давлат раҳбарлари саммити ҳамда бугунги халқаро анжуман томонларнинг стратегик ҳамкорликка бўлган қатъий интилишини яққол намоён этмоқда. Биз алоқаларимизга катта куч ва шиддат бағишлайдиган бу каби мулоқот ва учрашувларни мунтазам ўтказиб бориш зарур, деб ҳисоблаймиз.

**Ҳурматли тадбир қатнашчилари!**

Бугунги кунда дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий жараёнлар ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган турли зиддиятлар, глобал сиёсий ва иқтисодий беқарорлик, турли замонавий таҳдидлар минтақалар ва давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ўзаро манфаатли шерикликни янада кенгайтиришни тақозо қилмоқда.

Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича янгиланган стратегияси қабул қилинган бўлса-да, афсуски, оғир синов даври бўлган пандемия туфайли аввал белгилаб олган кўпгина режаларимиз, европалик ҳамкорларимиз билан кун тартибидаги энг муҳим вазифаларни тўлиқ амалга оширдик, деб айта олмаймиз.

Шу сабабли Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтаётган мазкур анжуман Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасида мулоқотларни фаоллаштириш, ҳамкорлигимизни амалий дастур ва лойиҳалар билан бойитиш, минтақалараро очиқ ва самарали алоқалар тизимини шакллантириш, кўп қиррали шерикликни янада чуқурлаштиришга қаратилгани билан ғоят аҳамиятлидир.

Биз жадал ривожланиб бораётган икки муҳим минтақанинг ўзаро алоқаларини кучайтириш, “Глобал дарвоза” ташаббусини тўлиқ рўёбга чиқариш мақсадида устувор йўналишлар — рақамли трансформация, транспорт соҳасидаги ўзаро боғлиқлик ва “яшил ўсиш” лойиҳаларига алоҳида эътибор бериш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Авваламбор, Европа Иттифоқи ва Марказий Осиёнинг рақамли трансформация борасидаги улкан салоҳиятидан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва инклюзив ривожланиш йўлида унумли фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга.

Биз Европа Иттифоқининг минтақамизни боғлайдиган кенг оптик толали йўлаклар барпо этиш, бошқарув ва ижтимоий соҳа, саноат, соғлиқни сақлаш, таълим, молия ва қишлоқ хўжалигида рақамли технологияларни кенг жорий этишга қаратилган режа ва дастурларини қўллаб-қувватлаймиз.

Бундан ташқари, жаҳон бозорларига чиқиш, глобал интеграция ва ҳамкорлик жараёнларида фаол иштирок этиш учун транспорт йўналишларини диверсификация қилиш минтақамизнинг барча мамлакатлари учун бирдек долзарб вазифа ҳисобланади.

Бу борада Европа Иттифоқининг қатор ташаббуслари минтақаларимиз ўртасида энг мақбул ва самарали транзит ва логистика инфратузилмаларини яратишга хизмат қилишига аминмиз.

Транскаспий мультимодал маршрутини ривожлантириш орқали Европа қитъасининг Осиё билан савдо-иқтисодий ҳамкорлигини янада чуқурлаштиришга, Марказий Осиё мамлакатларини эса ташқи бозорларга энг қулай транспорт йўлаклари воситасида чиқишига катта ҳисса қўшади.

Шунингдек, Европа Иттифоқи “яшил ривожланиш” бўйича бизнинг асосий ҳамкоримиз ҳисобланади.

Минтақамизда энергияни самарали сарфлайдиган ва ресурсларни тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш, “ақлли қишлоқ хўжалиги”ни ривожлантириш, қайта тикланадиган энергия манбалари имкониятларини тўлиқ ишга солишда биз, албатта, вакиллари бу ерда тўпланган барча Европа давлатларининг энг илғор ва замонавий тажрибасига таянамиз.

Ҳеч шубҳасиз, иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, инклюзив “яшил ўсиш”га ўтиш, сувдан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш бундан кейин ҳам кўп томонлама ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишлари бўлиб қолади.

Шу маънода, атроф-муҳит ва сув ресурслари бўйича келгуси йили Рим шаҳрида бўлиб ўтадиган “Европа Иттифоқи — Марказий Осиё” халқаро конференцияси ушбу йўналишда аниқ амалий натижаларга эришишга имкон яратишига ишонамиз.

**Ҳурматли тадбир қатнашчилари!**

Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш йўлида олиб бораётган биргаликдаги қатъий саъй-ҳаракатларимиз албатта ўз ижобий натижасини беради.

“Марказий Осиё — Европа Иттифоқи” форматидаги мазкур платформа мунтазам тус олиб, унинг сессияларида ҳамкорлигимизнинг долзарб мавзулари бўйича самарали муҳокамалар ўтказилади, минтақавий алоқаларимизга дахлдор умумий ёндашувлар ва кўп томонлама дастурий ҳужжатлар ишлаб чиқилади, деган умиддаман.

Ушбу барча долзарб масалалар, эришиладиган келишув ва аниқ лойиҳалар бугун қабул қилинаётган Самарқанд декларациясида ҳамда тасдиқланадиган кенг қамровли “Йўл харитаси”да ўзининг батафсил ифодасини топади, деб ишонаман.

Фурсатдан фойдаланиб, сиз, азизларга — конференциянинг барча иштирокчиларига сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар тилаб қоламан.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ЯШИЛ ҲУДУДЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ БЎЙИЧА ТАКЛИФЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ижросини самарали ташкил этиш, ўрмон хўжалигида бошқарувни мақбуллаштиришга оид таклифлар тақдимоти билан танишди.**

Дарахтзорлар ҳаво тозалигини таъминлайдиган, юртга кўрк бағишлайдиган бойликдир. Бундай ҳудудларни кўпайтириш мақсадида ўтган йили давлатимиз раҳбари ташаббуси билан “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси эълон қилинган эди. Унинг доирасида ҳар йили 200 миллион туп дарахт ва бута кўчатини экиш белгиланди. Юртимиздаги яшил майдонларни ҳозирги 8 фоиздан 30 фоизга ошириш режалаштирилди.

Ўтган қисқа вақтда Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда 535 гектар дарахтзор, 638 гектар “яшил жамоат парклари” ташкил этилди. Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасида “Яшил ҳудуд” давлат унитар корхонаси тузилиб, зарур техникалар билан таъминланди.

Юртимиздаги экологик вазият ва бажарилган ишлар таҳлили бу ҳаракатни янада кенгайтириш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, атмосфера ҳавоси турли кимёвий моддалар ва оғир металлар билан ифлосланган. Кўчатлар экиш ва парваришлаш жараёнларида ҳокимликлар билан Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг вазифалари аниқ тақсимланмаган.

Шу боис ушбу тадбирларга Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасини ягона масъул ташкилот этиб белгилаш таклиф қилинмоқда. “Яшил боғлар” ва “яшил жамоат парклари”ни барпо этиш, дарахтларни парваришлаш ва уларни 3 йил давомида сақлаш “Яшил ҳудуд” корхонаси томонидан амалга оширилиши белгиланмоқда.

Шунингдек, дарахтлар экиладиган ер майдонларини аниқлаш ва лойиҳалаштириш, кўчатхоналарни кўпайтириш, сув тежовчи технологияларни жорий қилиш, ўрмон хўжаликлари учун махсус техникалар сотиб олиш чоралари назарда тутилмоқда.

Президент Шавкат Мирзиёев бу ишларнинг мамлакатимиз экологияси ва халқимиз саломатлигидаги аҳамиятини таъкидлаб, чора-тадбирларни янада такомиллаштириш вазифасини қўйди.

**ЎзА.**

## ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

*Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев 21-22 ноябрь кунлари расмий ташриф билан Францияда бўлади.*

*Таъкидлаш жоизки, бу давлатимиз раҳбарининг Францияга иккинчи ташрифидир. Президент Шавкат Мирзиёев Франция Президенти Эммануэль Макроннинг таклифига биноан илк бор тўрт йил аввал, 2018 йилнинг 8-9 октябрь кунлари ушбу мамлакатга ташриф буюрган эди. Франция Ўзбекистон Президентининг 2016 йилда лавозимга киришганидан сўнг ташриф буюрган биринчи Европа давлати бўлди.*

### Биз ва жаҳон

Ўзбекистон ва Францияни тарихий дўстлик ва ўзаро ҳурмат ришталари боғлаб туради. Айни пайтда Франция архивларидан бирида Амир Темурнинг Франция қироли Карл VI га 1402 йилда йўллаган мактублари, Карл VI нинг Соҳибқирон номига ёзган мактуби сақланади. Ҳукмдорларнинг мактублари мазмунида ўзаро савдо алоқаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

Кейинги йилларда кўп асрлик Ўзбекистон — Франция муносабатлари янги мазмун билан бойигани ҳолда жадал ривожланмоқда.

Жорий йил 1 март куни Тошкент ва Париж шаҳарларида Ўзбекистон ва Франция ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 30 йиллиги нишонланди.

Олий даражадаги сиёсий мулоқот мунтазам равишда қўллаб-қувватланмоқда.

Франция Ўзбекистоннинг Марказий Осиёда барқарорлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш, ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳамда яхши қўшничилик муносабатларини ривожлантиришдаги ролини юқори баҳолайди.

➡ 2

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУНОСАБАТЛАРИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

**17-18 ноябрь кунлари Самарқанд шаҳрида «Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё» форматидаги тадбирлар ўтказилди.**

Жумладан, 17 ноябрь куни Европа Иттифоқининг Марказий Осиёда барқарор энергияни ривожлантиришга қаратилган янги лойиҳасига бағишланган давра суҳбати ва “Марказий Осиё ёшлари овози” форуми ташкил этилди.

18 ноябрь куни эса “Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўзаро боғлиқлиги: барқарор ривожланиш учун глобал дарвоза” мавзуидаги халқаро конференция ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг конференция қатнашчиларига мурожаатномасини давлатимиз раҳбарининг ташқи сиёсат масалалари бўйича махсус вакили Абдулазиз Комилов ўқиб эшиттирди.

Шавкат Мирзиёев ўз мурожаатида бугунги кунда дунёда юз бераётган мураккаб геосиёсий жараёнлар ва олдиндан башорат қилиб бўлмайдиган турли зиддиятлар, глобал сиёсий ва иқтисодий беқарорлик, турли замонавий таҳдидлар минтақалар ва давлатлар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва ўзаро манфаатли шерикликни янада кенгайтиришни тақозо қилаётганини қайд этган.

Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган мазкур анжуман Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасида мулоқотларни фаоллаштириш, ҳамкорликни амалий дастур ва лойиҳалар билан бойитиш, минтақалараро очиқ ва самарали алоқалар тизимини шакллантириш, кўп қиррали шерикликни янада чуқурлаштиришга қаратилгани билан ғоят аҳамиятли эканлиги таъкидланган.

Иқлим ўзгариши оқибатларини юмшатиш, инклюзив “яшил ўсиш”га ўтиш, сувдан оқилона фойдаланиш, экологик хавфсизликни таъминлаш бундан кейин ҳам кўп томонлама ҳамкорлигимизнинг устувор йўналишлари бўлиб қолади, деб ишонч билдирган Ўзбекистон етакчиси.

➡ 2

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎТТИЗ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**18 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Олий Мажлис Сенати мажлислар залида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўттиз бешинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.**

Унда Сенат, ҳукумат аъзолари, вазирлик ва идораларнинг вакиллари, Сенат ҳузуридаги Ёшлар парламенти аъзолари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари қатнашди.

Видеоконференцалоқа тарзида ўтказилган ялпи мажлисни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси Танзила Норбоева олиб борди.

Ялпи мажлис Сенатнинг “YouTube” тармоғидаги саҳифаси орқали тўғридан-тўғри ёритиб борилди.

Дастлаб сенаторлар 2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясини “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили”да амалга оширишга оид Давлат дастурининг 2022 йил 9 ойи якуни бўйича бажарилиши юзасидан Ҳукуматнинг ҳисоботини эшитдилар.

Хусусан, дастурнинг 607 та яхлит ва кичик бандларда назарда тутилган топшириқлардан 233 та (33 фоиз) банд ва кичик бандлар тўлиқ бажарилган бўлиб, ҳисобот даврида 219 та норматив-ҳуқуқий ва бошқа ҳужжатлар қабул қилинган.

Ҳукумат томонидан ўз вақтида кўрилган чоралар натижасида ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи 105,8 фоизни ташкил этган.

➡ 3

# ЎЗБЕКИСТОН — ФРАНЦИЯ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

1

Ўзбекистон ва Франция парламентлараро алоқаларни ҳам фаол ривожлантирмоқда. Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатасида Франция Сенати ва Миллий ассамблеяси билан "Ўзбекистон — Франция" дўстлик гуруҳлари тузилди.

Олий Мажлис Сенати Раисининг биринчи ўринбосари Содиқ Сафоев 11-12 ноябрь кунлари V Париж тинчлик форумидаги иштироки доирасида Франция Сенатида ҳамда Миллий ассамблеясида музокаралар ўтказди.

Франция Ўзбекистон билан иқтисодий, сармоявий, молиявий ва техник соҳалардаги ҳамкорликка муҳим аҳамият беради.

Ўзбекистонда 46 та корхона, шу жумладан, 17 таси 100 фоиз Франция капитали асосида фаолият юритмоқда. Компанияларнинг асосий йўналишлари қурилиш ва туризм, хизмат кўрсатиш ва қишлоқ хўжалиги сингари соҳаларни қамраб олган.

Айни пайтда Ўзбекистонда Франция сармояси иштирокида қатор йирик сармоявий лойиҳалар амалга оширилмоқда. Жумладан, Самарқанд вилоятининг Нуробод туманида "Total Eren" компанияси билан қуввати 100 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциясини қуриш, "Orano Mining" компанияси билан ҳамкорликда уран қазиб олинадиган истиқболли ҳудудларда геология-қидирув ишлари олиб борилмоқда, Сирдарё вилоятида халқаро консорциум, жумладан, "EDF" компанияси билан қуввати 1600 МВт бўлган буғ-газ электр станцияси, "SUEZ" билан ҳамкорликда "Тошкент сув хўжалигини ўзгартириш режаси" ва "Сурхондарё вилоятида ичимлик суви таъминотини яхшилаш" лойиҳалари ва бошқалар амалга оширилмоқда.

Томонлар ўртасидаги самарали ҳамкорлик механизми — 2021 йил 10 май куни Тошкент шаҳрида 8-мажлиси бўлиб ўтган Савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия (ҲҲК) фаолияти диққатга сазовордир.

Ўзбекистон — Франция ишбилармонлар кенгаши доирасида Франциянинг "MEDEF International" тадбиркорлар ҳаракати билан яқин ҳамкорлик йўлга қўйилган. Ҳаракат таркибига Франциянинг "Airbus", "Total Eren", "Eiffage" "Voltalia", "EDF", "Alstom", "Orano", "Suez" ва бошқа етакчи компаниялари киради. Давлатимиз раҳбарининг ташрифи арафасида Парижда "MEDEF International" кўмагида бизнес форуми бўлиб ўтмоқда.

Давлатлар ўртасида ўзаро савдода энг қулай режим ўрнатилган, Даромадларга икки томонлама солиқ солишнинг олдини олиш ҳамда Даромад ва капиталга солиқ солишдан бўйин товлашнинг олдини олиш тўғрисидаги конвенция амал қилади.

Ўзбекистон Франциянинг Марказий Осиё минтақасидаги етакчи савдо ҳамкорларидан биридир. 2021 йилда икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 280 миллион долларни ошди, жорий йилнинг 9 ойида ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 232 миллион долларга етди. Бу борадаги ҳамкорликни янада ривожлантириш учун катта имкониятлар мавжуд.

Мамлакатларимиз ўртасидаги молиявий-техникавий ҳамкорлик Франция тараққиёт агентлиги (ФТА) орқали мустаҳкамланмоқда. Бугунги кунга қадар Марказий Осиё минтақавий ваколатхонаси Тошкент шаҳрида жойлашган ФТА билан биргаликда Ўзбекистонда умумий қиймати 350 миллион евро бўлган 3 та лойиҳа амалга оширилган ва жами 434,3 миллион евролик 5 та лойиҳа амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон ва Франция ўртасидаги икки томонлама муносабатлар маданий-гуманитар ҳамкорликнинг юксак даражаси билан ажралиб туради.

Франция фуқароларининг Ўзбекистон ҳудудига кириши учун 30 кун муддатга визасиз режим ўрнатилди. Таниқли француз актёри Жерар Депардье Ўзбекистоннинг Франциядаги туризм элчиси этиб тайинланди.

Кейинги йиллар давомида икки томонлама ҳамкорликда таълим соҳасидаги ўзаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистонда 704 та мактаб, коллеж ва лицейларда 170 мингдан ортиқ ўқувчи ҳамда 13 та олий ўқув юртида француз тилини ўрганмоқда. Француз тилини ўргатувчи француз оператори — "Альянс Франсез" Тошкентда фаолият юритади.

Сорбонна университети ҳузуридаги Шарқ тиллари ва цивилизациялари миллий институтида ўзбек тили курслари очилди.

2018 — 2022 йилларда туризм, археология, дизайн ва мода, француз филологияси, авиация, инклюзив таълим, бизнесни бошқариш, энергетика, сиёсатшунослик, авиация ва бошқа соҳаларда 30 дан ортиқ келишув ва меморандумлар имзоланган.

Хусусан, Тошкент давлат транспорт университети таркибида Франция фуқаро авиацияси миллий мактаби билан биргаликда 2021/2022 ўқув йилидан бошлаб фуқаро авиацияси учун учувчиларни тайёрлаш мактаби очилди.

Давлат бошқаруви академияси ва Франция давлат хизмати институти Ўзбекистон давлат тузилмалари ходимларининг малакасини ошириш соҳасида ҳамкорлик қилади.

Самарқанд ва Лион, Бухоро ва Руэй-Мальмесон шаҳарлари, Жиззах вилоятининг Зомин тумани ва Нормандия минтақасининг Флер шаҳри ўртасида биродарлашган шаҳарлар тўғрисидаги битим имзоланган.

2019 йилда Бухоро шаҳри билан биродарлик алоқалари ўрнатилганининг 20 йиллиги муносабати билан Руэй-Мальмесон марказий "Дўстлик" истироҳат боғида буюк табиб Абу Али ибн Сино ҳайкали ўрнатилган "Ўзбек боғи" очилди.

Археология ва маданий меросни сақлаш соҳасидаги алоқалар ҳам фаол ривожланмоқда. Франциянинг тўртта археологик миссияси Ўзбекистон археологлари билан ҳамкорликда фаолият юритади.

Қайд этиш жоизки, Президент Шавкат Мирзиёевнинг Парижга расмий ташрифи доирасида жаҳонга машҳур Лувр музейи ва Араб дунёси институтида мамлакатимизнинг энг бой маданий-тарихий меросига оид ноёб кўргазмалар очилади. Бу французларга Ўзбекистон тарихи ва маданияти билан яқиндан танишиш имконини беради.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Францияга бўлажак расмий ташрифи кўп асрлик Ўзбекистон — Франция муносабатларида муҳим воқеа бўлиб, мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли шерикликни ривожлантириш, уни юқори босқичга кўтаришда янги саҳифа очиши, шубҳасиз.

**«Дунё» АА.**

# ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ВА МАРКАЗИЙ ОСИЁ МУНОСАБАТЛАРИ ИЗЧИЛ РИВОЖЛАНМОҚДА

1

Конференциянинг очилиш маросимида, шунингдек, Европа Иттифоқи ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Европа комиссияси вице-президенти Жозеп Боррель, Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо, Европа инвестициялар банки вице-президенти Тереза Червинская, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти Бош котиби Хельга Шмид ҳам сўзга чиқди.

— Европа ва Марказий Осиё халқлари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тарихи бир неча асрга бориб тақалади, — деди Европа Иттифоқи ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Европа комиссияси вице-президенти Жозеп Боррель. — Айниқса, қадимий Буюк Ипак йўли бу алоқаларни янада ривожлантиришга хизмат қилган. Бугун ҳам Марказий Осиё давлатларининг Европа Иттифоқи мамлакатлари билан савдо-иқтисодий, инвестициявий ҳамкорлиги икки ва кўп томонлама ривожланиб бормоқда. Пандемиядан кейин дунё давлатлари олдида иқтисодий барқарорликни тиклаш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш ва экология масалалари энг долзарб вазифалар бўлиб қолди. Жумладан, Марказий Осиё давлатлари учун ҳам бу масалалар ғоят муҳим ҳисобланади. Биз бу борада уларни қўллаб-қувватлаш ва ёрдам беришга тайёрмиз. Иқтисодий тараққиёт учун кўпроқ инвестиция зарур ва бунга эришишда мамлакатда шаффофлик, очиқлик таъминланиши, мустаҳкам ва кафолатли қонунчилик зарур. Биз бу борадаги мақсад ва интилишларимизни бирлаштиришимиз керак.



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти Одиль Рено-Бассо хоним бугунги геосиёсий вазият нуқтаи назаридан Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи давлатлари орасида савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш учун транспорт-коммуникация тизимлари, энергетика ва рақамли инфратузилмани ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Бу борада давлат ташкилотлари билан чекланмай, хусусий сектор ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш лозим. Бугунги кунда Марказий Осиё давлатларида фаолият кўрсатаётган ЕТТБ ваколатхоналари имкониятларидан тўғри фойдаланиб, инвестиция соҳасида кучларни бирлаштириш ва биргаликда ҳаракат қилиш фойдали бўлиши таъкидланди.

Анжуманнинг "Европа Иттифоқи ва Марказий Осиёнинг ўзаро боғлиқлигига нигоҳ" деб номланган ялпи йиғилишида асосий спикерлар — Қозоғистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, ташқи ишлар вазири Мухтор Тлеуберди, Тожикистон Республикаси ташқи ишлар вазири Сирожиддин Муҳриддин, Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Норов, Қирғиз Республикаси ташқи ишлар вазири ўринбосари Айбек Молдогазиев ва Туркманистон ташқи ишлар вазири ўринбосари Вепа Гажиев иштирок этди.

Европа Кенгашининг Марказий Осиё бўйича махсус вакили Терхи Хакала бошқарган ялпи йиғилишда спикерлар Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё давлатлари ўртасида уч йўналиш — савдо-иқтисодий шериклик кўламини кенгайтириш, транспорт бўйича ўзаро боғлиқликни такомиллаштириш ҳамда рақамли инфратузилмани бугунги кун талабидан келиб чиқиб, замонавий технология ютуқларини кенг жорий этган ҳолда ривожлантириш борасидаги ишлар ҳақида сўз юритди.

Куннинг иккинчи ярмида конференция дастурига кўра белгиланган мавзулар бўйича алоҳида сессиялар кўринишида йиғилишлар давом этди. Мунозара, муҳокамаларга бой кечган сессияларда рақамлаштириш, сув ва энергетика, транспорт соҳаларида ўз давлатларида етакчи экспертлар, вазирлик, идоралар мутасаддилари айни йўналишлардаги муаммоли масалаларни Европа Иттифоқи ва бошқа ҳамкор халқаро молиявий тузилмалар кўмагида қўллаб-қувватлаши билан биргаликда ҳал этиш йўлларини кўриб чиқдилар.

Анжуман "Истиқбол ва кейинги қадамлар" деб номланган "B2B" форматидаги мулоқотлар, минтақа давлатлари ташқи ишлар вазирлари ўртасидаги икки томонлама учрашувлар кўринишида давом этди.

Конференция якунида ялпи мажлис ва шуъба йиғилишларида муҳокама этилган масалалар юзасидан Самарқанд декларацияси қабул қилинди.

Конференция якунларига бағишлаб ўтказилган брифингда Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири Владимир Норов ҳамда Европа Иттифоқи ташқи ишлар ва хавфсизлик сиёсати бўйича Олий вакили, Европа комиссияси вице-президенти Жозеп Боррель тадбирлар юксак савияда, томонларнинг фаол иштирокида ўтганини таъкидлади. Муҳокама этилган масалалар ва эришилган келишувлар Европа Иттифоқи — Марказий Осиё муносабатларида янги сифат босқичини бошлаши, икки ва кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга хизмат қилишини таъкидлади.

— Биз Европа Иттифоқининг 2021 йил декабрь ойида эълон қилинган "Глобал дарвоза" ташаббусини олқишлаймиз, — деди Ўзбекистон ташқи ишлар вазири В. Норов. — Бу қўшма инвестицияларни, айниқса, инфратузилмани рағбатлантириш, иқтисодий ҳамкорлик учун яхши шароитлар яратиш, барча қитъалар бўйлаб товарлар, одамлар ва хизматларни кўчириш орқали глобал алоқа шериклигини ривожлантиришни назарда тутади.

Тадбирлар доирасида Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё хусусий сектор вакилларининг тақдимотлари, учрашувлар ўтказилди.

**Ғайрат ХОННАЗАРОВ,**
**Ғолиб ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

# ДАВЛАТ БАЙРОҒИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУНГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТАШАББУСИ ИЛГАРИ СУРИЛДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзЛиДеП фракциясининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда фуқароларимизнинг Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғидан эркин фойдаланиши учун кенгроқ имкониятлар яратиш масаласи кўриб чиқилди.*

## Фракция ҳаёти

Таъкидланганидек, Давлат байроғи юртимизда ҳукм сураётган тинчлик-ободлик, миллатлараро тотувлик, қут-барака, биз эришаётган бемисл ютуқлар ва келажакка бўлган мустаҳкам ишонч рамзи сифатида қалбимизга туганмас ифтихор бағишлайди. Юртбошимиз томонидан кейинги йилларда амалга оширилаётган ислоҳотлар замирида ҳам халқимиз, айниқса, ёш авлод қалбида давлатимиз рамзларига нисбатан ҳурмат ва эҳтиром туйғусини тобора мустаҳкамлаш, уларни миллий ғоя ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш, давлат рамзларини кўз қорачиғидек асраб-авайлашга ўргатишдек эзгу мақсадлар сингдирилган.

Йиғилишда айтиб ўтилганидек, давлатимиз байроғи қабул қилинганига 31 йил тўлди. 1991 йилнинг 18 ноябрь куни "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган. Ушбу ҳужжатнинг 1-моддаси билан Давлат байроғининг схематик ва рангли тасвири тасдиқланган. 2-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи республика давлат суверенитетининг рамзидир", деб белгилаб қўйилган. Демак, Давлат байроғини — мустақиллик, истиқлол ва озодлик, обод ва фаровон ҳаёт рамзи, шу муқаддас Ватанда яшаётган ҳар бир фуқаронинг қалб рамзи деб эътироф этиш лозим.

Фракция аъзолари Давлат байроғидан фойдаланишда чекловлар кўплигини таъкидлаб, ундан фойдаланиш билан боғлиқ муносабатларни янада соддалаштириш, миллий байроғимиздан қонунга қатъий риоя қилган ҳолда фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш бўйича таклифларни илгари сурди. Давлат рамзига ҳурматсизлик қилганларга нисбатан жавобгарликни кучайтириш, ундан фойдаланиш бўйича аниқ мезонлар ишлаб чиқиш, Давлат байроғини шаҳарларимиздаги диққатга сазовор жойларда, хонадонларимизда ҳилпираб туришига имконият яратиб бериш шулар жумласидандир.

Тадбирда фракция аъзолари "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонунга бугунги замон талабларидан келиб чиққан ҳолда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифини илгари суриб, қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш ташаббусини билдирди.

Савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда кун тартибидаги масалалар юзасидан фракциянинг тегишли қарори қабул қилинди.

## *Сўз — йиғилиш иштирокчиларига*

**Зафар ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
**ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:**



— Амалдаги қонунга назар солсак, унга ҳозиргача 5 марта, яъни 2010 йил 24 декабрда, 2017 йил 14 сентябрда, 2019 йил 18 февралда, 2019 йил 5 сентябрда, 2021 йил 21 апрелда тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилган ҳамда такомиллаштирилганлигини кўрамиз. Агар "инсон — жамият — давлат" парадигмасига асосланиб амалга оширилаётган ислоҳотлар ҳамда очиқлик сиёсати натижасида фуқароларимиз сиёсий онгининг жадал ўсиб бораётгани, иқтисодиётда хусусий сектор улушининг ортаётганини ҳисобга олсак, амалдаги қонунга яна ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқлигига амин бўламиз.

Илгариги қонунда давлатимиз байроғининг қаерларга доимий қўйилиши, ўрнатилиши, қонунчилик билан белгиланган байрам кунлари қаерларда, қачон кўтарилиши ва туширилиши, Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилардан ишлаб чиқарилаётган ёки реализация қилинаётган товарларни ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмаслиги каби нормаларнинг мавжудлиги масалага ойдинлик киритиши билан бир қаторда, уларни чеклов сифатида ҳам баҳолаш мумкин. Давр эса фуқароларимиз, кенг жамоатчилик, шунингдек, партиямиз электорати бўлган тадбиркорларнинг давлатимиз рамзи, ифтихори бўлган Давлат байроғи ва унинг тасвиридан фойдаланиш доирасини кенгайтиришни тақозо этмоқда.

Юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги таклифларни билдирмоқчиман:

— Ватанимиз байроғини нафақат давлат органлари бинолари, залларида, қолаверса, мулк шаклидан қатъи назар, бошқа бино-иншоотларда ҳам ўрнатилишига;

— фуқароларимизга умуммиллий байрамлар, тантанали маросимлар, оилавий тадбирларда ҳам фойдаланишларига;

— устки кийим-бош ишлаб чиқарувчи тадбиркорларимизга эса Давлат байроғи тасвиридан фойдаланишга белгиланган тартибларда рухсат берилиши қонунда мустаҳкамланиши тарафдориман.

Амалдаги қонунга бундай ўзгартиш ва қўшимчаларнинг киритилиши марказий кўчаларда, майдонларда, бошқа жамоат жойларида ва объектларда нафақат байрам кунлари, балки кундалик ҳаётимизда ҳам давлатимиз байроғини кўриш, ундан фахрланиш имкониятларини кенгайтиради.

**Ақшагул ТУЛЕГЕНОВА,**
**ЎзЛиДеП фракцияси аъзоси:**

— Давлат рамзлари ҳар бир мамлакатнинг суверенитети ва мустақиллигини ифодаловчи муқаддас тимсол ҳисобланади. Ўзбекистоннинг давлат рамзлари халқимизнинг шон-шарафи, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассам этиб, шу юртда яшовчи ҳар бир фуқарога фахр-ифтихор бағишлайди.

Байроғимиз нафақат давлат рамзи, шу билан бирга, бой маънавиятимиз, маданиятимиз тимсоли ҳам. Бугун миллий байроғимиз давлат идораларида, Ўзбекистон аъзо бўлган халқаро ташкилотлар, чет эллардаги элчихона ва доимий ваколатхоналаримиз пештоқида ҳилпираб турибди. Турли байрам тантаналарида, мамлакатимиз аъзолари қатнашаётган халқаро миқёсдаги сиёсий, маданий-маърифий тадбирларда, нуфузли спорт мусобақаларида ҳам байроғимиз Ватанимизнинг шаъни, халқимизнинг ғururини ёрқин акс эттирмоқда.



Мен ҳам фракциямиз илгари сурган ташаббус — Давлат байроғидан фойдаланишдаги чекловларни олиб ташлашни тўлиқ қўллаб-қувватлайман. Сарбаланд қаддимиз ва қадримиз тимсоли бўлмиш байроғимиз тўғрисидаги қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги қонун лойиҳасини ишлаб чиқишни зарур, деб ҳисоблайман.

**«Халқ сўзи».**

# ОРЗУ-МАҚСАД ВА ИНТИЛИШЛАРИМИЗ ИФОДАСИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси, Ёшлар масалалари бўйича комиссия ҳамда Ёшлар парламенти ҳамкорлигида "Ўзбекистон республикаси байроғи — халқимиз ифтихори" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.*

## Тадбир

Тадбирда қайд этилганидек, Ватанимиз байроғи мамлакат суверенитетининг рамзи бўлиб, унда миллий давлатчилигимиз, мустақил ва мустаҳкам давлат барпо этиш борасидаги эзгу ғоя, миллий ва умуминсоний қадриятларга содиқлигимиз, орзу-мақсад ва интилишларимиз акс этган. Байроғимиз Ўзбекистон халқининг меҳмондўст, меҳнатсевар, бағрикенг эканидан, энг муҳими, тинчликпарварлигидан дарак беради. Байроққа нисбатан халқимизнинг муқаддас қадрият деб қараши, унга юксак ҳурмат кўрсатиб, эҳтиёткорона муносабатда бўлиши ҳам таҳсинга сазовор.

Ўтган йиллар давомида бу борадаги қонунчиликни янада такомиллаштириш бўйича салмоқли ишлар қилинди. Хусусан, 2010 йил 24 декабрь куни "Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақида"ги айрим қонун ҳужжатларига ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун қабул қилинди. Ушбу ҳужжатга асосан қонунчилигимизга бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Қолаверса, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги Қонунга янги 51 ва 52-моддалар ҳам киритилиб, байроғимиз тасвири туширилган белгилардан фойдаланиш доираси янада кенгайди.

Қонунчиликдаги бундай ўзгаришлар давлатимиз рамзлари элементларидан шахсий манфаат йўлида фойдаланишнинг олдини олишга хизмат қилади. Асосийси, тарихий ва боқий қадриятларимиз асосида яратилган, халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажаги тимсоли бўлган давлатимиз байроғи ва гербига нисбатан ҳурматни қонуний жиҳатдан мустаҳкамлайди.

Тадбирда сўнгги йилларда тимсолларимиз ёшларимиз томонидан алоҳида қадрланаётгани, жойларда мағрур ҳилпираётган байроғимиз атрофида турли маънавий-маърифий, маданий тадбирлар ташкил қилинаётгани қайд этилди. Ҳозирги давр ёшларда Ватанга бўлган муҳаббатни янада кучайтириш мақсадида байроқдан фойдаланиш доирасини кенгайтириш заруратини тақозо қилаётгани айтилди. Давлатимиз байроғида акс этган ҳар бир ранг, белги юртимизнинг бой тарихи, миллий давлатчилигимиз, бебаҳо қадриятларимизни, Ватанимизнинг буюк келажагини ифодалаши ҳамда миллий-маданий анъаналаримизни ўзида мужассамлаштириши таъкидланди.

Тадбирда билдирилган фикр-мулоҳазалар юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

**«Халқ сўзи».**

# ИККИ ХАЛҚ МАНФААТЛАРИ УЧУН ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

*Олий Мажлис Қонунчилик палатасида "Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзбек — қирғиз Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2022 йил 3 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги ва "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида Андижон (Кампиробод) сув омборининг сув ресурсларини биргаликда бошқариш тўғрисидаги Битимни (Бишкек, 2022 йил 3 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонунлар қабул қилинди.*

## Нуқтаи назар

Жорий йилнинг 17 ноябрь куни Қирғизистон парламенти ҳам ушбу қонунларни ратификация қилди. Натижада икки қардош халқнинг тинч йўл билан биргаликда ривожланишига замин яратадиган ҳуқуқий асослар пайдо бўлмоқда. Эътироф этиш жоизки, бу ҳар икки мамлакатнинг муваффақиятидир.

Қонунчилик палатасида "Адолат" СДП фракцияси йиғилишида юқоридаги қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш жараёнида чегаралар белгиланиши натижасида ўзи яшаётган ҳудуддан кўчирилиши назарда тутилаётган фуқароларимизнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари тўлақонли таъминланишига алоҳида эътибор бердик. Кўчирилиши лозим бўлган фуқароларимизни мушкул аҳволга солиб қўймаслик, турли меҳнат фаолияти билан банд бўлган юртдошларимизни келгусида даромади пасаймайдиган иш жойи билан таъминланиш масаласига ҳукуматимиз тўлиқ эътибор қаратиши лозимлиги ҳам диққат марказимизда бўлди. Кўчирилаётган фуқароларимиз фарзандлари учун ҳам барча ижтимоий, иқтисодий ва бошқа зарур шарт-шароитлар яратилиши, ҳеч қандай муаммоларга дуч келмаслигини таъминлаш лозим бўлади.



Айни чоғда фракциямиз аъзолари билан ҳам ўз олдимизга аниқ вазифаларни белгилаб олдик.

Мухтасар айтганда, ратификация қилинган ушбу қонунлар замирида Ўзбекистон ва Қирғизистон халқларининг манфаатлари мужассамлашган бўлиб, кўп йиллардан бери давом этиб келаётган тортишув ва баҳсларга чек қўйиши билан аҳамиятлидир. Чегара делимитацияси ва демаркациясига оид ушбу ижобий ўзгаришлар икки мамлакат ўртасидаги сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт, маданий-гуманитар ҳамда парламентлараро алоқаларни янада кенгайтириш билан бирга, Марказий Осиё минтақаси учун яхши намуна бўлиб хизмат қилади, деган фикрдамиз.

**Зуҳра ИБРАГИМОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.**

# ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК ТАЪМИНЛАНАДИ

*Дунё аҳолисининг ўсиши билан сув ва озиқ-овқатга бўлган талаб ортиб бормоқда. Сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш етарли даражада эмаслиги, иқлим ўзгариши ва атроф-муҳитга етказилаётган зарарнинг камаймаётгани туфайли кўплаб сув манбалари хавф остида қолмоқда.*

## Фикр

Сайёрамиздаги барча сув захираларининг камайиб, ифлосланиб, сифати ёмонлашиб, истеъмолга яроқсиз бўлиб бориши инсоният ҳаётини катта хавф остига қўйиш билан бирга, дунё иқтисодиётининг пасайишига ҳам олиб келиши мумкин. Прогнозларга кўра, 2040 йилга бориб жаҳоннинг 33 давлати сувнинг ўта даражада танқислиги муаммоси билан тўқнашади. Бундай мамлакатлар қаторига Марказий Осиё давлатларини ҳам киритиш мумкин.

Қолаверса, сув айрим минтақалар учун геосиёсий барқарорлик омили бўлиб, сувдан фойдаланиш, уни тақсимлашнинг самарали ва барқарор амалиётларини ишлаб чиқиш мамлакатларнинг келажакдаги иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида, шунингдек, экологик мувозанатини таъминлашда муҳим омилдир.



Олий Мажлис палаталари томонидан кўриб чиқилган ва маъқулланган "Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзбек — қирғиз Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2022 йил 3 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида Андижон (Кампиробод) сув омборининг сув ресурсларини биргаликда бошқариш тўғрисидаги Битимни (Бишкек, 2022 йил 3 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида"ги қонунлар қабул қилиниши жараёнида Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзолари айнан шу жиҳатга алоҳида эътибор қаратди.

Фракциямиз аъзолари ҳозирги кунда глобал иқлим ўзгаришлари шароитида дунё миқёсида сув ресурслари билан боғлиқ масалалар тобора долзарб бўлиб бораётганини алоҳида қайд этиб ўтди. Қонунлар билан белгиланаётган сув ресурсларидан фойдаланишда ўзаро манфаатли ҳамкорлик ҳамда мамлакатлар чегараларининг аниқлаштирилаётгани ҳар икки давлат ўртасидаги алоқалар ва ишончни янада мустаҳкамлаш учун хизмат қилади.

Юқоридаги иккита муҳим ҳужжатни ратификация қилиш масаласи Қирғизистон парламентида кўриб чиқилгани ва маъқуллангани, кейинчалик давлат раҳбарлари томонидан имзоланганидан сўнг ҳар икки мамлакат ҳукуматлари олдига катта масъулият юклайди. Чунки шартномаларнинг айрим муҳим бандларининг ижроси икки томонлама келишилган ҳолда амалга оширилади, баъзи масалалар бўйича алоҳида шартномалар қабул қилинади, музокаралар ва маслаҳатлашувлар ўтказилади.

Экологик партия фракцияси кейинчалик бу борада парламент назорати имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, Ўзбекистон тарафидан ўз мажбуриятларини тўлиқ ва муддатида таъминлаш чораларини кўришда бевосита иштирок этади.

**Хайрулло ҒАФФОРОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.**

# ЎЗБЕК ВА ТУРКМАН ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ ФЕСТИВАЛИ ЯКУНЛАНДИ

*Ўзбек ва туркман халқлари азалдан дўст, қардош, биродар, тарихи, маданияти, орзу-умидлари бир-бирига вобаста бўлган халқлар саналади.*

Ўзаро тарихий-маданий алоқалар ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги кўп асрлик биродарликнинг мустаҳкам тамал тоши бўлиб келмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Ўзбек ва туркман халқлари дўстлиги фестивали иштирокчиларига» йўллаган табригида таъкидланганидек, чин қардошлик ва яхши қўшничилик ришталарини янада кучайтиришга қаратилган ушбу муҳим тадбир элу юртларимизнинг умумий эзгу мақсадлари ва орзу-интилишлари муштарак эканини яна бир бор яққол тасдиқлайди.

Шу кунларда қардош Туркманистоннинг Дашогуз шаҳрида Ўзбек ва туркман халқлари фестивали юқори савияда, чинакам дўстлик, қардошлик, санъат ва маданият байрами сифатида ўтказилгани бу фикрларни яна бир карра тасдиқлайди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ахборот хизмати хабарига кўра, фестиваль ранг-баранг концертлар, ижодий учрашувлар, мулоқотлар, бадиий, амалий санъат кўргазмаларига, кино ва театрлар намойишига бой бўлди.

Ўзбекистон ва Туркманистон маданият ва санъат усталарининг ҳамкорликдаги концерт дастури барчада катта таассурот қолдирди. Унда ўзбек ва туркман куй-қўшиқлари янгради. Иштирокчилар ўзлари суйган қўшиқларни ўзбек санъаткорлари билан биргаликда ижро этдилар.

Икки халқнинг буюк мутафаккир шоирлари — Алишер Навоий ва Махтумқули шеърларидан намуналар ўқилиб, миллий рақслар ижро қилинди.

Дўстлик фестивали доирасида 17 ноябрь куни Дашогуз шаҳридаги Дашогуз вилояти кутубхонасида Ўзбекистон ва Туркманистон ёзувчи ҳамда шоирларининг ижодий учрашуви бўлиб ўтди. Унда икки давлат раҳбарларининг юксак эътибори, қўллаб-қувватлаши ва кўмаги билан ташкил этилган ушбу ўзига хос дўстлик байрамининг аҳамияти хусусида батафсил сўз юритилди. Дўстлик байрамининг халқларимиз маданияти, санъати ва адабиёти ривожи учун кенг уфқлар очган, ўзаро ҳамкорликка янги суръат бағишлаган тадбирларнинг мантиқий давоми сифатида катта аҳамиятга эга экани алоҳида қайд этилди.

Шу куни Дашогуз вилояти Дилевар қишлоғи маданият уйида икки мамлакат кино ижодкорларининг ижодий учрашуви ва ўзбек — туркман фильмлари намойиши ҳам бўлиб ўтди. Хусусан, Ўзбекистон томонидан томошабинлар эътиборига “Аёл қисмати” фильми ҳавола қилинди.

Фестивалнинг тантанали ёпилиш маросими эса Дашогуз шаҳридаги Нурмуҳаммад Андалиб номидаги мусиқали театрда бўлиб ўтди.

Унда ўзбек ва туркман халқлари дўстлиги фестивали иштирокчиларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедовга мурожаати ўқиб эшиттирилди.

Мурожаатдан сўнг туркман ижодкорлари томонидан “Иқрор Оташи” спектакли намойиш этилди.

Шунинг билан ўзбек ва туркман халқлари дўстлиги фестивали якунланди. Ушбу дўстлик фестивали ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги қардошлик, ҳамжиҳатлик ришталари кейинги йилларда ривожланиш босқичига чиққанини яна бир карра намоён этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИНИНГ ЎТТИЗ БЕШИНЧИ ЯЛПИ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

# АХБОРОТ

1 Давлат бюджетининг жами харажатлари 162,4 триллион сўмни, шундан ижтимоий соҳаларга йўналтирилган харажатлар 83,3 триллион сўмни ташкил қилган. Амалга оширилган жами харажатлар ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 24,7 фоизга ошган.

Ҳисобот даврида 1,9 миллион нафар фуқаронинг даромадли меҳнат билан бандлиги таъминланган.

Хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича 69,3 мингдан зиёд янги савдо ва сервис объектлари ишга туширилган бўлиб, уларда мингдан зиёд аҳолининг бандлиги таъминланган.

“Яшил иқтисодиёт” технологияларини барча соҳага фаол жорий этиш мақсадида умумий қиймати 700 миллион доллардан ортиқ бўлган хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига Тошкент, Бухоро ва Хоразм вилоятларида қуввати 1 154 МВтга тенг 5 та электр станцияси ишга туширилган.

Йўл-транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш мақсадида 5,8 триллион сўм маблағ ҳисобига жами 15 минг 95 километр автомобиль йўллари ҳамда 104 та кўприк таъмирланган.

Ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида 2 762 та объект учун 23,8 триллион сўм маблағ ажратилган бўлиб, ҳисобот даврида 466 та мактаб, 163 та мактабгача таълим, 63 та тиббиёт, 11 та спорт объекти фойдаланишга топширилган.

Бирламчи тиббий санитария ёрдами тизимида 19,5 минг кундузги шифо ўрни ташкил қилиниши ва уларнинг иш фаолияти соат 20:00 гача узайтирилиши натижасида поликлиникаларга мурожаатлар сони 191 миллионни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 4 миллионга ортган.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларнинг 182,6 минг нафари “ёшлар дафтари”га киритилиб, 135,4 минг нафари ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватланган.

Шу билан бирга, мажлисда сенаторлар томонидан Давлат дастури ижроси юзасидан йўл қўйилган айрим камчиликларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Жумладан, дастурнинг 286-бандида қайд қилинган вазифа, яъни тажриба тариқасида “Янги Ангрен ИЭС”да мис эритиш заводларининг ифлослантирувчи манбаларидан намуна олиш ва таҳлил қилиш бўйича автоматик станцияларни ўрнатиш ишлари амалга оширилмаган.

Дастур ижроси муҳокамасида сенаторлар аҳоли томонидан кўплаб эътирозларга сабаб бўлаётган масалаларга алоҳида эътибор қаратдилар.

Муҳокамалардан сўнг Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шунингдек, сенаторлар дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг атроф-муҳит, сув ва йўл хўжалиги объектларига салбий таъсири юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижаларини муҳокама қилдилар.

Ҳукумат томонидан берилган маълумотга кўра, сўровда кўтарилган камчиликларни бартараф этиш мақсадида Сенат ишчи гуруҳи тузилиб, ҳолат ўрганилган.

Ўрганиш жараёнида сув ҳавзаларида лицензия асосида қум-шағал қазиб олаётган 94 та тадбиркорлик субъектидан 12 тасида норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартиби, 25 тасида лицензия шартлари бузилганлиги аниқланган.

Дарёлар ўзанларини тозалаш ва норуда қазилмаларни қазиб олишни назорат қилишдаги асосий камчиликлар тегишли ташкилотлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асослари билан боғлиқ бўлса-да, соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ишлари талаб даражасида амалга оширилмаган. Лицензия ва шартнома асосида қазиш ишларини айрим мутахассис бўлмаган ходимлар олиб бормоқда. Оқибатда дарё ўзанлари тиклаб бўлмас ҳолатга келишига ва уларнинг йўналиши ўзгаришига таъсир қилмоқда.

Қум-шағал маҳсулотлари саноат усулида қазиб олиниши дарё қирғоқлари кенглигининг беш юз метрдан ортиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бундан ташқари, дарё ўзанлари белгиланган чуқурликлардан пастга тушиб кетаётганлиги натижасида ер ости чучук сувлари ифлосланиб, сув сатҳи пасайиб кетмоқда.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан лицензия ёки шартнома муддати тугагандан сўнг кон ёки участкани қабул қилиб олиш тартиби жорий этилмаган.

Шунингдек, кон ишлари якунлангандан сўнг бузилган ер майдонларини рекультивация қилиш ва давлат захирасига қайтариш бўйича талабни бажармаган субъектларга нисбатан қонунчиликда таъсир чоралари мавжуд эмас. Бу, ўз навбатида, дарё ўзанлари тартибга келтирилмай, унинг қирғоқларини мустаҳкамлаш ишлари бажарилмай ташлаб кетилишига, тадбиркорлик субъектларига берилган лицензия билан кенг ҳудуд бириктирилганлиги оқибатида дарёлар қирғоқларидан қазиш ишлари ўтказилиши ва уларнинг бузилишига сабаб бўлмоқда.

Сенаторлар муҳокамалар давомида тегишли ташкилотлар фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларидаги камчиликлар, тизимли муаммоларнинг сақланиб қолаётгани, қумшағалларнинг ноқонуний қазиб олиниши натижасида табиатга етказилган зарар миқдорини ҳисоб-китоб қилиш механизми мавжуд эмаслигини таъкидлаб, қонунчиликдаги мавжуд бўшлиқ оқибатида кўрилаётган таъсир чоралари самараси сезилмаётганини алоҳида қайд этдилар.

Муҳокама якунида Сенатнинг тегишли қарори қабул қилинди.

Шундан сўнг мажлисда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2022 йил тўққиз ойи якуни бўйича ижроси юзасидан Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботи кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда жаҳон иқтисодиётида кечаётган мураккаб жараёнларга қарамасдан 2022 йилнинг 9 ойида Ўзбекистон иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари сақлаб қолинди.

Мамлакатимизда ялпи ички маҳсулот ҳажми 2022 йилнинг январь — сентябрь ойларида ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 5,8 фоизга ўсиб, 627 триллион 477 миллиард сўмни ташкил этди.

Иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш, инвестицияларни кенг жалб қилиш, ишлаб чиқаришларни диверсификация қилиш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш борасида кўрилаётган самарали чоралар натижасида аҳолининг реал даромадлари 409,2 триллион сўмни ташкил қилиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 10,7 фоизга ошган.

Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг бажарилиши ва амалга оширилаётган самарали бюджет-солиқ сиёсати натижасида ҳисобот даврида Давлат бюджети даромадлари давлат мақсадли жамғармаларисиз 147,1 триллион сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 31,1 триллион сўмга ёки 26,8 фоизга кўпайиб, маҳаллий бюджетлар ихтиёрида 6,5 триллион сўм миқдорида маблағ қолдирилди.

Давлат бюджетининг жорий йилнинг 9 ойидаги харажатлари давлат мақсадли жамғармаларисиз 162,4 триллион сўмни ёки ЯИМга нисбатан 26,4 фоизни ташкил этди.

Сенат аъзолари муҳокама жараёнида асосий эътиборни 2022 йилнинг 9 ойида Давлат бюджети даромад ва харажатларининг ижроси, ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, шунингдек, Давлат бюджети даромадлари прогнозининг бажарилишида солиқ ва божхона тўловларининг ундирувчанлик даражасига қаратдилар.

Давлат маблағларидан фойдаланиш самарадорлиги борасида қурилиш соҳасида ўтказилган назорат тадбирларида ҳақиқатда бажарилмаган қурилиш-таъмирлаш ишларини ҳисоботларга қўшиб ёзиш, лойиҳа-смета ҳужжатларида қурилиш материалларини юқори нархларда кўрсатиш каби хато ва камчиликлар аниқлангани таъкидланди.

Ижтимоий ривожлантириш борасидаги давлат дастурларида белгиланган тадбирларни молиялаштиришга ажратилган маблағларнинг мақсадли, ўз муддатида ва тўлиқ ўзлаштирилишида ҳам айрим муаммо ва хатолар мавжудлиги қайд этилди.

Мажлисда вазирлик ва идоралар тизимидаги ички аудит хизмати фаолияти самарадорлиги таҳлилига ҳам тўхталиб ўтилди. Хусусан, ҳамон бюджет маблағларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмаётганлиги таъкидланди.

Шунингдек, вазирлик ва идоралар бюджет харажатлари ва ривожлантириш дастурларининг мақсадли индикаторлари ижроси таҳлили ва уларнинг самарадорлик даражаси ҳисоботда ўз аксини топмаганлиги сенаторлар томонидан алоҳида қайд этилди.

Бундан ташқари, маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш ҳамда белгиланган прогноздан ортиқча тушган даромадлардан мақсадли фойдаланиш борасида йўл қўйилган камчиликлар кўрсатиб ўтилди.



Сирожиддин ВОҲИДОВ олган сурат.

Айниқса, маҳаллий бюджетларнинг қўшимча маблағлари ҳокимликларнинг фармойишлари асосида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қарорларини қабул қилмасдан тўғридан-тўғри сарфланиши ҳолатларига йўл қўйилгани аниқ мисоллар билан кўрсатиб ўтилди.

Сенаторлар “Очиқ бюджет” портали орқали маҳаллий бюджетнинг прогноздан ошириб бажарилган қисми ҳисобидан жамоатчилик фикрининг ҳисобга олиниши ҳолати юзасидан ҳам муносабат билдириб, бу борада шаффофликни ва фуқароларнинг кенг иштирокини таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Ҳисоботда давлат харидларини амалга ошириш жараёни билан боғлиқ ижобий ишлар ёритилиб, бу жараёндаги хато ва камчиликлар, мавжуд муаммолар ва уларнинг ечими бўйича аниқ таклифлар кўрсатиб ўтилмагани танқид қилинди.

Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари ижросини таъминлашда ҳамда бюджет давлат мақсадли жамғармалари маблағларидан самарали, мақсадли фойдаланишда йўл қўйилган хато-камчиликлар ва уларнинг ечимига қаратилган таклифлар билдирилди.

Муҳокама қилинган масала юзасидан аниқланган камчилик ва муаммоларнинг ечими бўйича таклифлар акс этган Сенатнинг қарори қабул қилинди.

Ялпи мажлисда Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳрида янги иш ўринларини яратиш ҳамда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар бўйича ўтказилган ўрганиш натижалари муҳокама қилинди.

Таъкидланганидек, маҳаллабай ишлаш тизими ва ҳоким ёрдамчилари институтининг жорий этилиши, ҳудудлардаги муаммоларнинг имкон қадар тезроқ бартараф этилиши долзарб масалаларнинг ўз вақтида тўлиқ ҳал қилинишига замин яратмоқда.

Хусусан, ҳоким ёрдамчилари тавсиялари асосида оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида 306 мингта лойиҳага 7,2 триллион сўм имтиёзли кредит, 17,3 мингга яқин фуқароларга тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва томорқа хўжалигида банд бўлиш мақсадида 84,4 миллиард сўм субсидия маблағлари ажратилган. 326,5 минг киши бўш иш ўринларига жойлаштирилган ва 112 мингга яқин фуқаролар касб-ҳунарга, тадбиркорлик кўникмаларига ўқитилган.

Муҳокамалар жараёнида ҳудудий дастурлар доирасида Тошкент вилоятида 431 та ва Тошкент шаҳрида 128 та инвестиция лойиҳаси ишга туширилгани, бунинг натижасида 14,5 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилгани таъкидлаб ўтилди. Тошкент вилоятида 49,9 минг ва Тошкент шаҳрида 46,1 минг фуқаро 70 дан ортиқ фаолият йўналишларида ўзини ўзи банд қилган.

Сенат аъзолари аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ижобий ишлар билан бир қаторда айрим камчилик ва муаммоларнинг мавжудлигига, жумладан, баъзи туман (шаҳар)ларда йиллик бандлик дастури ижроси орқада қолаётганига, тегишли ишларни мувофиқлаштириб борувчи штабларнинг фаолияти самарали ташкил этилмаганига эътибор қаратдилар.

Таъкидланганидек, иш ўринлари тўғрисидаги умумий ҳисоботни шакллантиришда кўрсаткичларнинг давлат солиқ органлари ва “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплекси маълумотлари базасига мувофиқлиги тўлиқ таъминланмаган.

Шунингдек, “Уста — шогирд” анъаналари асосида ёшларга касб-ҳунар ўргатаётган ҳунармандларга шогирдлар тайёрлаш, зарур хомашё сотиб олиш ва шогирдларни иш ҳақи билан таъминлаш мақсадида аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасидан субсидия маблағларини ажратиш тизимли йўлга қўйилиши зарурлиги, шунингдек, Тошкент вилоятида ер участкаларини “e-auksion.uz” электрон савдо платформасига жойлаштиришни янада самарали ташкил этиш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Айниқса, шаҳар ва туман Кенгашларида халқ депутатлари янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ишларини тизимли равишда ҳар ой натижалари бўйича муҳокама этиш ва тегишли чоралар кўришга оид таъсирчан механизмларни ишлаб чиқиши зарурлиги таъкидланди.

Сенаторлар томонидан халқ депутатлари туман (шаҳар) Кенгашларига янги иш ўринларини яратиш, аҳоли бандлигини таъминлаш масалаларини маҳаллабай ишлаш тизими асосида ўрганиш ва сессияларда танқидий муҳокама қилиш, ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйилган (квота) иш ўринларидан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди.

Муҳокамаларда урғу берилган масалалар ечимига оид таклифлар Сенатнинг қабул қилинган қарорида ўз аксини топди.

Шундан сўнг Сенатнинг ўттиз бешинчи ялпи мажлисида “Измир Шартномасини (Измир, 1996 йил 14 сентябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун кўриб чиқилди.

Сенаторлар ушбу Шартнома 1996 йил 14 сентябрда 10 та мамлакат — Афғонистон, Озарбайжон, Покистон, Қирғизистон, Қозоғистон, Тожикистон, Туркия, Туркманистон, Эрон ва Ўзбекистон томонидан имзоланганини ҳамда Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг (ИҲТ) таъсис ҳужжати эканлигини таъкидладилар.

Шартнома Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотининг ташкилий тузилмасини, унинг мақсад ва фаолият тамойилларини, шунингдек, молиявий масалаларни ҳамда ташкилотда қарорлар қабул қилиш тартибини белгилайди.

Муҳокама чоғида сенаторлар Ўзбекистон томонидан Измир Шартномасининг ратификация қилиниши Иқтисодий ҳамкорлик ташкилотига тўлақонли аъзо бўлиш учун ҳуқуқий асос яратишини, шунингдек, ташкилотга аъзо давлатлар билан кенг ҳамкорлик қилиш имконини беришини таъкидладилар.

Ўзбекистоннинг ташкилотда тўлиқ иштирок этиши хорижий инвестициялар ҳажмини ошириш, транспорт-логистика йўлакларини кенгайтириш, шу жумладан, транзит ташиш тарифларини бирхиллаштириш орқали кенгайтириш, мамлакат минтақаларининг туристлар жалб этувчанлигини ошириш имконини беради.

Муҳокама якунлари бўйича сенаторлар қонунни маъқуллади.

Сўнг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Туркия Республикаси Ҳукумати ўртасида ҳарбий ҳадли Битимни (Тошкент, 2022 йил 29 март) ратификация қилиш ҳақида”ги қонун кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, мазкур Битим 2022 йил 29 март куни Туркия Республикаси Президентининг Ўзбекистонга ташрифи чоғида имзоланган. Битим ҳарбий тайёргарлик ва ҳарбий таълим, мудофаа саноати ҳамкорлигини ривожлантириш, логистика соҳасидаги ҳамкорлик, картография ва гидрография, миналар ва кўлбола портловчи қурилмаларга қарши курашиш бўйича тажриба алмашиш каби йўналишларда Ўзбекистон ва Туркия ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилган.

Мазкур йўналишлардаги ҳамкорлик тадбирлари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ва Туркия Республикаси Миллий мудофаа вазирлигининг йиллик режаларига киритилади.

Муҳокама чоғида Битимнинг ратификация қилиниши Давлат бюджетидан қўшимча маблағ ажратишни талаб қилмаслигини, Битим доирасида ташкил этиладиган барча тадбирлар эса ҳар йили Мудофаа вазирлигига ажратиладиган бюджет маблағлари доирасида амалга оширилиши қайд этилди.

Сенаторлар қонунни маъқулладилар.

Шунингдек, Олий Мажлис Сенатининг 35-ялпи мажлисида сенаторлар “Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзбек — қирғиз Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги Шартномани (Бишкек, 2022 йил 3 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги ва Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида Андижон (Кампиробод) сув омборининг сув ресурсларини биргаликда бошқариш тўғрисидаги Битимни (Бишкек, 2022 йил 3 ноябрь) ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини кўриб чиқдилар.

Сенаторлар Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ташаббуслари туфайли Марказий Осиё минтақасида мутлақо янги сиёсий ишонч муҳити яратилганини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Илгари умумий манфаатларга эришиш йўлида минтақа мамлакатларининг ўзаро яқинлашишига тўсиқ бўлиб келган кўплаб муаммоли масалаларни ҳал этишда олдинга силжиш юз берди.

Ялпи мажлисда сенаторлар “Ўзбекистон Республикаси билан Қирғизистон Республикаси ўртасида ўзбек — қирғиз Давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги Шартномани ратификация қилиш ҳақида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати билан Қирғизистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ўртасида Андижон (Кампиробод) сув омборининг сув ресурсларини биргаликда бошқариш тўғрисидаги Битимни ратификация қилиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунларини батафсил муҳокама қилдилар.

Сенаторлар давлат чегараси билан боғлиқ низоли масалаларнинг ҳал этилиши мамлакатимиз миллий хавфсизлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади, чунки бу чегарадаги низоларнинг олдини олиш ва ноқонуний савдога самарали қарши курашиш имконини беради.

Ўз навбатида, Андижон (Кампиробод) сув омборидан биргаликда фойдаланиш минглаб фермер хўжаликларини сув билан узлуксиз таъминлашда ишончли кафолатлар яратади.

Бундан ташқари, мазкур ҳужжатларнинг қабул қилиниши трансчегаравий сув ресурсларидан оқилона ва ўзаро манфаатли фойдаланишга хизмат қилиши, икки томонлама ҳамкорликни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқишга имкон бериши таъкидланди.

Батафсил муҳокама якунлари бўйича Сенат мазкур қонунларни маъқуллаш тўғрисида қарорлар қабул қилди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 35-ялпи мажлисининг биринчи куни якунланди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Олий Мажлиси Сенатининг**
**Ахборот хизмати.**

# ИСЛОҲОТЛАРГА ЯНГИЧА СУРЪАТ БЕРАДИГАН МАСАЛАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛМОҚДА

*Кеча ўз ишини бошлаган Олий Мажлис Сенатининг ўттиз бешинчи ялпи мажлисида янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларга янгича суръат бериши кутилаётган бир қатор долзарб масалалар кўриб чиқилмоқда. Ялпи мажлиснинг биринчи куни давомида муҳокама қилинган масалалардан айримларининг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сенаторлар ўз фикрларини қуйидагича баён этди.*

## Муносабат

### Давлат дастури ижросида ютуқлар билан бирга камчиликлар ҳам бор

**Бахтиёр САЙФУЛЛАЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг**
**Ёшлар, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси:**

— Маълумки, жорий йилга мўлжалланган Давлат дастурида кўплаб долзарб вазифалар белгиланган бўлиб, уларнинг тўлиқ ижросини таъминлаш мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳиятини янада юксалтириш ва аҳолининг фаровонлик даражасини ошириш кафолати бўлиб хизмат қилади. Шу ҳаётий ҳақиқатдан келиб чиқиб, ялпи мажлисда Давлат дастурининг 2022 йил 9 ойи якуни бўйича бажарилиши юзасидан Ҳукумат ҳисоботи атрофлича таҳлилдан ўтказилди.

Эътиборлиси, дастурда назарда тутилган топшириқлардан 233 та банд ва кичик бандлар тўла бажарилган. Ҳукумат томонидан кўрилган чора-тадбирлар самараси ўлароқ ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан ялпи ички маҳсулот кўрсаткичи 105,8 фоизни ташкил этган.

Шу ўринда ўзимизнинг фаолиятимиз билан боғлиқ йўналишларга кенг тўхталмоқчимиз. Хусусан, ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида 2762 та объект учун 23,8 трлн. сўм ажратилган ва пировардида 466 та мактаб, 163 та мактабгача таълим, 63 та тиббиёт, 11 та спорт объекти фойдаланишга топширилган. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизимида 19,5 минг кундузги шифо ўрни ташкил қилиниши ва улар иш фаолияти соат 20:00 гача узайтирилиши ҳисобига поликлиникаларга мурожаатлар сони 4 миллионга ошгани яна бир ижобий кўрсаткичдир, десак, хато бўлмайди.

Шу каби ютуқлар баробарида, Давлат дастури ижросида муайян хато ва камчиликларга ҳам йўл қўйилган.

Ишонамизки, бўлиб ўтган муҳокамалардан сўнг мазкур камчиликлар бартараф этилади ва йил якунида Давлат дастури ижроси юзасидан илиқ фикрлар билдирамиз.

### Табиатга етказилган зарар миқдорини ҳисоб-китоб қилиш механизми мавжуд эмас

**Баҳодир ТОЖИЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг**
**Аграр ва сув хўжалиги масалалари қўмитаси раиси:**

— Сир эмас, кейинги йилларда амалга оширилган изчил ислоҳотлар натижасида парламентимиз, жумладан, Сенат фаолияти тубдан янгиланди. Буни юқори палатада парламент сўрови институтидан самарали фойдаланиб келинаётгани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ялпи мажлисда сенаторлар томонидан дарёлар ўзанларини тозалаш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш, норуда фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг атроф-муҳит, сув ва йўл хўжалиги объектларига салбий таъсири юзасидан Вазирлар Маҳкамасига юборилган парламент сўрови натижалари қизғин муҳокама қилингани бунинг яққол далилидир.

Кўпчилик томонидан эътироф этилганидек, сўз юритилаётган йўналиш бўйича бир қатор ижобий ишлар бажарилган, айни чоғда тузатилиши зарур бўлган камчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, сув ҳавзаларида лицензия асосида қум-шағал қазиб олаётган 94 та тадбиркорлик субъектидан 12 тасида норуда фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартиби, 25 тасида лицензия шартлари бузилган. Соҳанинг норматив-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш ишлари ҳам талаб даражасида эмас. Камига, лицензия ва шартнома асосида қазиш ишларини айрим мутахассис бўлмаган ходимлар олиб бормоқда. Оқибатда эса дарё ўзанлари тиклаб бўлмас ҳолатга келиб қолаётир. Ва яна кўплаб ёмон оқибатлари борки, булар хусусида мутасаддиларга етказилди.

Қум-шағалнинг ноқонуний қазиб олиниши ҳисобига табиатга етказилган зарар миқдорини ҳисоб-китоб қилиш механизми мавжуд эмаслиги тегишли ташкилотлар мутасаддиларини янада ҳушёрликка чақириши керак.

### Бюджетдан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олиш ишлари қандай ташкил этилган?

**Эркин ГАДОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг**
**Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси:**

— Ҳар бир инсон Давлат бюджети шаклланиши ва унинг сарфланиши бўйича муайян тасаввурларга эга. Аммо унинг айрим жиҳатлари борки, бу ҳақда ҳар ким ҳам билавермаслиги мумкин.

Хўш, жорий йилги Давлат бюджети ижроси қандай таъминланяпти?

Ялпи мажлисда Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг 2022 йил тўққиз ойидаги ижросига доир ҳисоботининг муҳокамаси жараёнида ана шу саволга атрофлича жавоб излаб кўрилди.

Маълум бўлишича, бугун жаҳон иқтисодиётида кузатилаётган мураккаб жараёнларга қарамасдан ҳисобот даврида юртимиз иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатлари сақлаб қолинган. Пировардида эса ялпи ички маҳсулот ҳажми 2022 йилнинг январь — сентябрь ойларида ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 5,8 фоиз ўсиб, 627 трлн. 477 млрд. сўмни ташкил этган.

Шу каби ютуқлар баробарида, қатор камчиликлар ҳам борки, бундан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Масалан, бажарилмаган қурилиш-таъмирлаш ишларини ҳисоботларга қўшиш, лойиҳа-смета ҳужжатларида қурилиш материалларини юқори нархда кўрсатиш ҳолатлари кузатилган. Бюджет маблағларидан ноқонуний фойдаланиш ҳолатларининг олдини олиш борасидаги ишлар эса ҳали-ҳамон етарлича ташкил этилмаган.

Бундан ташқари, маҳаллий бюджетлар даромад базасини кенгайтириш ва белгиланган прогноздан ортиқча тушган даромадлардан мақсадли фойдаланиш борасида ҳам камчиликларга йўл қўйилмоқда. Маҳаллий бюджетлар қўшимча маблағлари ҳокимликларнинг фармойишлари асосида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларининг қарорларисиз тўғридан-тўғри сарфланиши ҳолатлари кузатилаётгани, айниқса, ташвишланарлидир.

Мавжуд вазиятдан келиб чиқиб, сенаторлар томонидан Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари ижросини таъминлашда ҳамда давлат мақсадли жамғармалари бюджети маблағларидан самарали, мақсадли фойдаланишда йўл қўйилган хато-камчиликлар ва уларнинг ечимига қаратилган таклифлар билдирилдики, бу тезда ўз самарасини беришига ишонамиз.

**«Халқ сўзи».**

# МЕҲНАТ ҲУҚУҚИ КАФОЛАТЛАНАДИ

*Меҳнат соҳасидаги қонунчиликнинг мақсади ходимлар, иш берувчилар ва давлат манфаатларини, улар билан бевосита боғлиқ бўлган якка меҳнат ҳамда ижтимоий муносабатларда мувозанат ва мувофиқликни таъминлаш асосида тартибга солишдан иборатдир. Ушбу фаолият билан боғлиқ муносабатларни эса Меҳнат кодекси тартибга солади.*



## Мулоҳаза

Биламизки, амалдаги Меҳнат кодекси бундан 27 йил илгари қабул қилинганлиги сабабли ҳозирги замон талабларига мос келмай қолганди. Аввалги ҳужжатда фуқароларни меҳнатга жалб этишнинг янги шакллари назарда тутилмаган. Кодекснинг баъзи қоидалари Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган халқаро шартномаларга ҳам мослаштирилмаган эди. Шу боис кейинги беш-олти йил ичида мамлакатимизда меҳнат муносабатлари, миллий меҳнатга доир қонунчилик, ишчи-хизматчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Масалан, янги таҳрирдаги Меҳнат кодекси биринчи бўлимининг 1-бобида меҳнат қонунчилигининг мақсад ва вазифалари, амал қилиш доираси белгиланди. Ушбу масалани ҳал этиш меҳнат қонунчилигининг бошқа тегишли ҳуқуқ соҳалари билан юзага келиши мумкин бўлган зиддиятларни бартараф қилишга ёрдам беради.

Оддий мисол, ишдан бўшатиш нафақасининг иш берувчида ишлаган иш стажига қараб дифференциялашган миқдори белгиланмоқда. Яъни амалдаги Меҳнат кодекси мазкур иш берувчида 20 йил ишлаган ҳам, қисқа муддат ишлаган ходимнинг ҳам меҳнат шартномаси бекор қилинганда бир хил миқдорда ишдан бўшатиш нафақаси тўланишини назарда тутади. Табиийки, масаланинг бундай ечимини адолатли деб бўлмайди. Бу хорижий тажриба ва халқаро меҳнат стандартларига ҳам мос эмас. Шундан келиб чиқиб, ушбу ҳужжатда ишдан бўшатиш нафақасининг миқдори мазкур иш берувчидаги иш стажига боғлиқ бўлиши белгиланди, унга асосан ходимларнинг иш стажига қараб ишдан бўшатиш нафақаси ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизидан икки юз фоизигача тўланиши қатъий белгилаб қўйилмоқда.

Яна бир муҳим янгилик, битта ташкилотда кўп йиллик иш стажи учун қўшимча таътил бериш тартиби жорий этилганидир. Дунёнинг аксарият мамлакатларида меҳнат таътилининг давомийлиги ходимнинг маълум бир ташкилотдаги иш стажидан келиб чиқиб ўрнатилиши белгиланган. Янги Кодекснинг 220-моддасида қўшимча таътил ходимнинг битта ташкилотда ёки тармоқдаги тўлиқ ҳар 5 йиллик иш стажи учун 2 кунга, бироқ жами 8 кундан ортиқ бўлмаган муддатга кўпайтирилиши мустаҳкамланди.

Шунингдек, иш берувчи томонидан хизмат текширувларини ўтказиш ва ишдан четлаштириш мезонлари тартибга солинмоқда. Ушбу механизм меҳнат шартномаси тарафлари ўртасида интизомий жазо чораларини қўллашнинг қонунийлиги масаласида юзага келиши мумкин бўлган айрим низоларни камайтиришга ёрдам беради.

Янги Кодексда ўртача иш ҳақи миқдорини аниқлашнинг ягона тартиби ҳам ўрнатилди. Бу билан ўртача иш ҳақини ҳисоблаш сезиларли даражада соддалаштирилди.

Ҳужжатда иш ҳақининг кечиктирилган ҳар бир куни учун қайта молиялаш ставкасининг 10 фоизи миқдорида иш берувчининг жавобгарлиги белгиланаётгани ҳам айни муддао бўлди. Ўз навбатида, ушбу норма иш берувчининг асосий мажбуриятларидан бири — ходимга ўз вақтида ҳақ тўлашни амалга оширишига туртки бўлади.

Янги Кодексда иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятларига янада аниқлик киритилди. Жумладан, 24-моддада иш берувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга эканлиги белгилаб берилди: бошқа қонунларда назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида ходимлар билан меҳнат шартномаларини тузиш, ўзгартириш ҳамда бекор қилиш, жамоа музокаралари ташаббуси билан чиқиш ва жамоа шартномаларини тузиш.

Амалдаги Меҳнат кодексида иш берувчи корхонани бошқариш ва ўз ваколатлари доирасида мустақил қарорлар қабул қилиш, қонунчиликка мувофиқ якка тартибдаги меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, меҳнат шартномасида шартлиги кўрсатилган ишни лозим даражада бажаришни ходимдан талаб этиш ҳамда ўз манфаатларини ҳимоялаш учун бошқа иш берувчилар билан бирга жамоат бирлашмалари тузиш ва бундай бирлашмаларга аъзо бўлиш ҳуқуқи кўрсатилган эди.

Янги таҳрирда эса уларнинг сафи кенгайтирилиб, янада деталлаштирилди. Шунинг баробарида, янги Кодексда ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож ишчиларнинг айрим тоифалари — аёллар ва оилавий мажбуриятларни бажариш билан шуғулланадиган шахслар, 18 ёшга тўлмаган ишчилар, ногиронлиги борлар, ўриндошлик асосида ишловчилар, якка тартибдаги тадбиркорлар меҳнатини тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам акс этди.

Шу ўринда таъкидлаш керакки, меҳнат муносабатларини тартибга солувчи бош ҳужжатда аёлларнинг ҳам меҳнат ҳуқуқларини таъминловчи, ижтимоий ҳимоясини кафолатловчи қатор нормалар киритилган. Жумладан, аёлларга оид масала Кодекснинг 30 та моддасида келтириб ўтилган.

Халқаро меҳнат ташкилотининг "Бир хил қийматдаги меҳнат учун эркаклар ва аёлларни тенг рағбатлантириш тўғрисида"ги Конвенциясига мувофиқ Кодекснинг 244-моддасида тенг қийматли меҳнат учун эркаклар ва аёлларга тенг миқдорда ҳақ тўланишини таъминлаш лозимлиги белгилаб қўйилмоқда.

Шунингдек, Кодексда ҳомиладор аёлларни йиллик меҳнат таътилидан чақириб олишга йўл қўйилмаслиги, болани парваришлаш таътилидан фойдаланаётган ходимга йиллик меҳнат таътили, унинг хоҳишига кўра, болани парваришлаш таътилидан олдин ёхуд ундан кейин берилиши каби имкониятлар яратилмоқда.

Умуман олганда, ушбу ҳужжатда белгиланган вазифалар фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ташкилотларда юзага келаётган муаммоларни бартараф этишга хизмат қилади. Унинг ҳаётга самарали татбиқ этилишини таъминлаш эса парламент зиммасига катта масъулият юклайди.

**Мавлуда ХЎЖАЕВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раиси.**

# ИНВЕСТИЦИЯВИЙ МУҲИТ ЯНАДА ЯХШИЛАНАДИ

*Мамлакатимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, иқтисодиётнинг устувор тармоқлари ва бошқа муҳим соҳаларга тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб қилишни кенгайтириш, илғор халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда сифатли инвестиция жараёнларини ташкил этиш мақсадида 2019 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Хорижий инвесторлар кенгаши ташкил қилинган эди.*

## Акс садо



Ўтган давр мобайнида ушбу кенгаш инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб этишга ва ўзаро манфаатли савдони ривожлантиришга кўмаклашиш, инвесторларнинг фаоллигига тўсқинлик қилувчи асосий омилларни аниқлаш ва таҳлилдан ўтказишда самарали фаолият олиб бормоқда.

Куни кеча давлатимиз раҳбари раислигида Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди. Ушбу маслаҳат органининг биринчи сессиясида узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли инвестициявий ҳамкорликни янада кенгайтириш, мамлакатимизда устувор йўналишларда аниқ кооперация лойиҳаларини амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Унда давлатимиз раҳбари Европа тикланиш ва тараққиёт банки президенти, нуфузли компания раҳбарлари билан қулай инвестициявий муҳитни ташкил қилиш ва соҳадаги устувор йўналишлар бўйича очиқ мулоқот ўтказганлиги инвесторларнинг нафақат Ўзбекистонга, балки соҳада олиб борилаётган ислоҳотларга ишончини янада оширди, десак, муболаға бўлмайди.

Мажлисда сўзга чиққан кенгаш аъзолари кейинги йилларда Ўзбекистондаги ислоҳотлар дастурининг юксак муваффақиятларини, улар натижасида бизнес билан шуғулланиш ва истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш учун қулай шароитлар яратилганини қайд этди. Инвесторларнинг фаолиятига ҳар томонлама кўмак кўрсатилаётгани учун давлатимиз раҳбарига чуқур миннатдорлик билдирилиб, бундан буён ҳам ўзаро манфаатли шериклик қилишга тайёр эканликларини таъкидлади.

Мазкур тадбирда Юртбошимиз кенгаш ҳузурида Инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасини тузишни таклиф этди. Шунингдек, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги қошида Сармоядорларни қўллаб-қувватлаш ишчи гуруҳи ташкил қилинадиган бўлди.

Албатта, инвесторларни керакли маълумотлар билан таъминлаб, уларни комплекс ва тизимли равишда қўллаб-қувватлайдиган, барча хизматларни "ягона ойна" тамойили асосида кўрсатадиган тизимни йўлга қўйиш ушбу йўналишдаги ишларни янги босқичга олиб чиқади.

Давлатнинг бизнесга минимал даражада аралашуви, барча учун тенг бўлган рақобат муҳитини яратиш ҳамда инвесторлар мулклари ва ҳуқуқлари ҳимоясида қонун устуворлигини таъминлаш, албатта, Инвесторларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитасининг асосий мақсади этиб белгиланди.

Умуман, йиғилишда илгари сурилган ташаббуслар мамлакатимизда инвестициявий муҳитнинг янада яхшиланишига, иқтисодиётнинг барқарор ўсишига хизмат қилади.

**Нодир ТИЛАВОЛДИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

# ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ СОДДАЛАШТИРИЛАДИ

*Президентимизнинг шу йил 9 ноябрдаги "Тадбиркорлик фаолиятини давлат томонидан тартибга солишни соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони бизнес вакиллари учун янги имкониятларни очиб бериши, тадбиркорликнинг кенг қулоч ёйиши ва аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.*

## Мушоҳада



Боиси ушбу ҳужжат билан Тараққиёт стратегиясини "Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили"да амалга оширишга оид Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорларнинг замонавий фаолият юритишига тўсқинлик қилаётган талаблар қайта кўриб чиқилиб, бир қатор енгилликлар жорий этилди. Хусусан, тадбиркорликни давлат томонидан тартибга солиш воситалари аниқ белгиланди. Давлат рўйхатидан ўтказиш, лицензиялаш ва рухсат бериш, техник тартибга ҳамда тариф ва нотариф тартибга солиш, мажбурий суғурта, давлат назорати, рақобатни ҳимоя қилиш, жавобгарлик ўрнатиш кабилар шулар жумласидандир.

2023 йил 1 мартдан бошлаб эса солиқ тўловчиларга солиқ органларининг сайёр солиқ текширувлари ва солиқ аудити натижалари бўйича қабул қилган қарорлари устидан тўғридан-тўғри судга шикоят қилиш ҳуқуқи берилади;

ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этган ҳолда мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча юридик шахсларга Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали тижорат хизматларини кўрсатишга рухсат берилди.

Кейинги йил 1 январдан бошлаб соҳалар бўйича юридик шахс бўлган тадбиркорлик субъектларининг замонавий технологияларга асосланган янги маҳсулот ва хизматларни ёки бошқа интеллектуал фаолият натижаларини назорат қилинадиган чекланган муҳитда синовдан ўтказиш бўйича фаолиятини махсус тартибга солишни назарда тутувчи "Тартибга солиш қумдони" махсус ҳуқуқий режими жорий этилади.

Муҳим масалалардан яна бири, Фармон билан тадбиркорликка оид барча мажбурий талабларни Тадбиркорлик соҳасидаги мажбурий талаблар ягона электрон реестрига киритиш, такрорланувчи ва ўз аҳамиятини йўқотган мажбурий талабларни қайта кўриб чиқиш тартиби ҳам жорий қилинди.

Ягона реестр тадбиркорлик фаолиятини тартибга солиш воситалари бўйича ўрнатилган барча талаблар, уларнинг муддатлари, улар билан боғлиқ молиявий харажатлар, талабларга мувофиқликни тасдиқловчи ҳужжатлар, назорат қилувчи органлар, текширув шакллари ҳамда жавобгарлик чораларини ўз ичига олади. Ягона реестрга маълумотлар тегишли соҳани тартибга солувчи ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари томонидан киритилади.

Фармонда назарда тутилган устувор вазифалар асосий электорати тадбиркор ва ишбилармонлардан иборат бўлган Ўзбекистон Либерал-демократик партияси фракцияси зиммасига ҳам катта масъулият юклайди. Шу нуқтаи назардан, биз, депутатлар мазкур ҳужжат ижросини таъминлашда фаол иштирок этишимиз керак.

**Одинахон ОТАХОНОВА,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.**

РЕКЛАМА

## «Ўзмиллийбанк» АЖ:

# ХИЗМАТЛАР СОҲАСИДАГИ ЛОЙИҲАЛАРНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ УЧУН 9,5 ТРЛН. СЎМ КРЕДИТ

*Хизмат кўрсатиш соҳаси инсонларга муносиб шароит яратиб бериш билан бирга, мамлакат ялпи ички маҳсулотида ҳамда аҳолини иш билан таъминлашда ўзининг сезиларли ўрнига эга бўлиб бормоқда, унинг тармоқлари ва кўлами жуда кенг.*

*Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг янги босқичида хизматлар соҳасини ривожлантиришга жиддий аҳамият қаратиляпти. Мазкур масала ҳамиша давлатимиз раҳбарининг алоҳида эътиборида бўлиб, уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш учун зарур чоралар кўрилмоқда.*

NBU

Амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, хизматлар соҳасида янги иш ўрнини яратиш нисбатан кам харажатли ҳамда қисқа муддатда амалга оширилади. Бундан ташқари, мамлакатда меҳнат унумдорлиги ва инсон капиталини ошириш (таълим, алоқа, соғлиқни сақлаш), халқаро савдони кенгайтириш имкониятлари ҳам хизматлар соҳасининг ривожини талаб қилади.

Таҳлилларга кўра, Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг 40 фоизи ҳамда умумий корхоналарнинг 60 фоизи хизматлар соҳасига тўғри келади. Республикада жами банд аҳолининг 50 фоиздан ортиғи хизматлар соҳасининг улгуржи ва чакана савдо (10,6 фоиз), таълим (8,4 фоиз), транспорт (4,8 фоиз), соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар (4,6 фоиз) йўналишларида фаолият юритиб келаётир.

Соҳада олиб борилган амалий чора-тадбирлар эвазига 2021 йилда хизматлар кўрсатиш ҳажми 283 триллион сўмга ва аҳоли жон бошига кўрсатилган хизматлар ҳажми эса 8 миллион сўмга етказилди.

Мамлакатимизда 2021 йилда хизмат кўрсатиш йўналишида 38 мингта янги корхона ҳамда ташкилот ташкил этилиб, уларнинг умумий сони 348 мингтага етказилди ҳамда соҳада жами 468 мингта иш ўрни яратилди. Ўз навбатида, ўтган йилда тижорат банклари томонидан хизматлар соҳасидаги 33 мингта лойиҳани молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жами 22 триллион сўм кредит маблағлари ажратилди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан "Ўзмиллийбанк" АЖ қошида Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш маркази ҳамда банкнинг ҳудудий филиалларида Лойиҳа офислари ташкил этилди. Ушбу марказ томонидан хизматлар соҳасининг асосий 60 та йўналиши бўйича намунавий бизнес-режалар қўлланма-китобча кўринишида тайёрланиб, ҳудудларга тадбиркорлар фойдаланиши учун етказиб берилди.

Шу билан бирга, "online-mahalla.uz" онлайн маҳалла платформасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига даромадли хизмат турини танлаш мақсадида 60 турдаги тайёр бизнес ғоялар ҳамда лойиҳа таклифлари асосида хизмат кўрсатишни йўлга қўйиш бўйича қўлланмалар, хизматлар соҳасига берилган имтиёзлар ва қулайликлар ҳақидаги маълумотлар жойлаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги 18 та ҳудудий "Ишга марҳамат" мономарказида 25 дан ортиқ хизмат кўрсатиш йўналишларида тадбиркорларни касбга ўқитиш мақсадида ўқув курслари ташкил этилди.

Жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида мономарказларда "Ўзмиллийбанк" кўмагида жами 42,2 минг нафар фуқаро хизмат кўрсатишнинг маиший техникаларни таъмирлаш, сартарошлик, стилист, косметолог, тикувчилик, ошпазлик, қандолатчилик, ландшафт дизайни, компьютер саводхонлиги, дастурлаш ҳамда бошқа йўналишлар бўйича тадбиркорликка ҳамда касб-ҳунарга ўқитиш учун йўналтирилди.

Бугунги кунда мазкур мономарказларда 10,5 минг нафар фуқаро хизмат кўрсатиш ва сервис йўналишида табдиркорлик ҳамда касб-ҳунарга ўқитилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 27 январда қабул қилинган "Хизматлар соҳасини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан мазкур тармоқни янги босқичга кўтаришнинг барча ташкилий-амалий механизмлари ҳамда истиқболли параметрлари белгилаб берилди.

Жумладан, 2022-2023 йилларда соҳада кўрсатилаётган бозор хизматлари ҳажмини 2 баробарга ошириш, янги хўжалик субъектлари сонини 500 мингтага етказиш ҳамда аҳоли жон бошига хизматлар ҳажмини 12 миллион сўмга кўтариш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.

Мазкур қарорга мувофиқ, амалга оширилган ишлар натижасида хизмат кўрсатиш ҳажми жорий йил 1 октябрь ҳолатига 253,8 триллион сўмга етказилди. Бу эса ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 49 триллион сўмга кўпдир.

Иқтисодиётнинг муҳим қисми саналган хизматлар соҳасини молиявий қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида 49 минг 954 та лойиҳани қўллаб-қувватлаш мақсадида тижорат банклари билан ҳамкорликда 37,3 триллион сўм кредит маблағлари ажратилиб, уларнинг хажми ўтган йилнинг мос давридагига нисбатан 2 баробарга ортди.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда хизматлар соҳасини ривожлантириш мақсадида республикамизда жами ажратилган кредит ҳажмининг 25,5 фоизи "Ўзмиллийбанк" АЖ улушига тўғри келмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида хизматлар соҳасида банк томонидан 3 минг 154 та лойиҳага 9,5 триллион сўм кредит ажратилди.

Жумладан, Олмазор туманида "New Life Medical" хусусий корхонасига тегишли умумий қиймати 122 миллиард сўм бўлган замонавий кўп тармоқли тиббиёт клиникасини ташкил этиш лойиҳаси учун банк томонидан 84 миллиард сўм кредит маблағи йўналтирилди.




**Улуғбек ШАМШИЕВ,**
**"New Life Medical" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

*— Мазкур "Ядро тиббиёт маркази" бугунги кунда онкологик касалликларнинг эрта диагностикаси, яъни уларни биринчи ҳамда иккинчи босқичда аниқлаш, беморларни тиббий кўрикдан ўтказиш, даволаш ва онкологик касалликлар профилактикаси бўйича хизмат кўрсатувчи Марказий Осиёдаги энг ноёб тиббий муассасалардан бири ҳисобланади.*

*Жамиятимиз фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида "Ўзмиллийбанк" АЖ томонидан ўз вақтида амалий ёрдам берилди. Жумладан, клиникамизнинг "Радиохирургия маркази қурилиши лойиҳаси" учун етарли миқдорда кредит маблағлари ажратилди. Ушбу муассасамиз иш бошлаши эвазига 450 та янги иш ўрни яратилиши белгиланган.*

Бу ҳали ҳаммаси эмас. "Ўзмиллийбанк" АЖ томонидан Шеробод туманида "Sherabod ko'p tarmoqli savdo kompleksi" масъулияти чекланган жамиятининг 44,6 миллиард сўмлик замонавий савдо комплексини барпо этиш лойиҳаси учун ҳам 10 миллиард сўм кредит маблағи ажратилди.

**Тоҳир АЛИҚУЛОВ,**
**"Sherabod ko'p tarmoqli savdo kompleksi" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

*— Бугунги кунда аҳолига қулай шарт-шароитлар яратиш борасида жойларда савдо ҳамда кўнгилочар марказларини ташкил этиш учун жорий қилинган имтиёзлар хизмат кўрсатиш соҳаси ривожида катта имкониятлар яратмоқда.*

*Туманимизда ҳар хил турдаги кўнгилочар ва савдо марказларини барпо этиш лойиҳасини амалга ошириш учун "Ўзмиллийбанк" АЖнинг 10 миллиард сўм кредит маблағидан фойдаланмоқдамиз.*

*Мазкур хизмат кўрсатиш маркази ичида савдо дўконлари, болалар ўйингоҳи, бинонинг том қисмида кафетерийлар ҳамда автотураргоҳлар мужассам бўлади. марказнинг ишга туширилиши эвазига 200 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланади.*

Шу билан бирга, Бухоро шаҳрида аҳоли соғлом турмуш тарзини яхшилаш мақсадида "City Sport Bukhara" масъулияти чекланган жамияти томонидан жами лойиҳа қиймати 16,9 миллиард сўм бўлган спорт мажмуаси қуриш учун 10,0 миллиард сўм кредит маблағи ажратилди.

**Азиз ҚОРАЕВ,**
**"CITY SPORT BUKHARA" масъулияти чекланган жамияти раҳбари:**

*— Давлатимиз томонидан аҳоли турмуш тарзини яхшилаш ҳамда жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мақсадида биз, тадбиркорларга катта имкониятлар яратиб берилмоқда.*

*Бухоро шаҳридаги "City Sport Bukhara" масъулияти чекланган жамияти аҳолининг соғлом турмуш тарзини яхшилаш мақсадида ушбу лойиҳага қўл урди. Мазкур юмушларга 16,9 миллиард сўмлик маблағлар сарфланиб, унинг 10 миллиард сўми "Ўзмиллийбанк"нинг кредит маблағидир.*

*Ҳозирда ушбу соғломлаштириш марказимизда ёпиқ сузиш ҳавзаси, таэквондо, фитнес, тренажёр, шахмат ва шашка клублари, фаст-фуд, турк ҳаммоми ҳамда туз ғори каби фаолият турлари мавжуд бўлиб, 31 нафар фуқаронинг бандлиги таъминланган.*

*Малакали спорт мураббийлари кўмаги асосида ўртача бир кунда 150 нафардан зиёд спортчиларимиз шуғулланишмоқда. Бундан ташқари, 200 га яқин фуқаролар ҳам спорт турлари билан шуғулланиш мақсадида ташриф буюришади. Эътиборлиси, улар орасида қарияларнинг ҳам борлиги бизни жуда мамнун этмоқда.*

Таъкидлаш жоизки, хизмат соҳасида амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида республикамизда жами 68,3 мингта янги савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объекти ишга туширилди. Жумладан, уларнинг 6,9 мингтаси савдо ва хизмат кўрсатиш марказий кўчаларида, 2,3 мингтаси маҳаллалараро савдо ҳамда сервис кўчаларида ва 749 таси автомобиль йўллари четида фаолият юритмоқда.

Шунингдек, хизматлар соҳасида йил бошидан 31 мингта янги тадбиркорлик субъекти ташкил этилиб, 2022 йил 1 ноябрь ҳолатига тармоқдаги корхона ва ташкилотлар сони 383 мингтага етди.

Албатта, хизматлар соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар келгусида ҳам изчил давом эттирилади. Мазкур йўналишдаги корхоналарни замонавий кўринишга келтириш, уларни ҳудудларнинг ихтисослашуви (драйвери)дан келиб чиқиб жойлаштириш, хорижий тажрибалар асосида жорий этиш каби тизимли ислоҳотлар жадал олиб борилади.

**Банк ахборот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1148. 13 890 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.10 Топширилди — 00.05 1 2 3 4 5 6